



ҚАРОР ВА ИЖРО

ГЕОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ИШЛАРНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 16 ноябрь куни геология соҳасини модернизация қилиш, инвестициялар жалб этиш ҳамда геология-қидирув ишларини кенгайтириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Охири уч йилда ушбу соҳага катта маблағ ажратилиб, технологияларни янгилаш, илм-фанни тиклаш ва кадрлар тайёрлаш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Замонавий техникалар қўлланаётгани натижасида бурғилаш аниқлиги ва унумдорлиги ошди. Ерости бойликларнинг захираси ҳам, прогноз ресурслари ҳам кўпайди.

Йиғилишда бу борадаги ишларни изчил давом эттириб, соҳанинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш, давлат корхоналарини ислоҳ қилиш бўйича кейинги даврдаги асосий вазифалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари геология-қидирув ишларини ошириш ҳисобига 2021-2022 йилларда минерал хомашё базасини кескин кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Соҳага хорижий инвесторларни жалб қилиш учун геология-қидирув ишларини ташкил этишга бўлган ёндашуви ҳам ўзгартириш керак. Шу мақсадда истиқболли майдонларни шакллантириш, уларни хорижий инвесторларга бериш, геологик қидирув ўтказиш ва солиққа тортиш тизимларини халқаро тажриба асосида такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

31 та стратегик фойдали қазилма майдон ва конлар жойлаштирилган онлайн аукционга чет эллик сармоядорларни кенг жалб этиш муҳимлиги айтиб ўтилди.

— Геология соҳасида 50 фоиз вақт инвестиция билан шуғулланишга сарфланиши керак. Инвестиция келмаса, геологияда вазият ўзгармайди. Узоқ йиллик мавҳум режалар эмас,

қисқа муддатли, аниқ ва натижадор режалар керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Етачки аудиторлик ва консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда соҳадаги давлат корхоналарини трансформация қилиш бўйича «Йўл хариталари» ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. «Ўзгеорангмет-ЛИТИ» институтига илғор тажрибага эга хорижий компания жалб қилиниши белгиланди.

Йиғилишда мутасаддиған 2021-2022 йилларда амалга ошириладиган чора-тадбирлар юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

ФОТОРЕПОРТАЖ

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ ҚУРИЛИШИ ЖАДАЛ КЕТМОҚДА



Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази Тошкентнинг машҳур Хаси Имом мажмуаси ҳудудидаги 7 гектарлик майдонда барпо этилмоқда.

Марказ биносининг узунлиги 145 метрни, эни эса 115 метрни ташкил этиб, бино уч қаватдан иборат бўлади. Бино марказининг гумбази баландлиги 64 метрни ташкил этади.

Марказ биносининг биринчи қавати илмий-тадқиқот маркази, реставрация ва электрон нусха олиш лабораторияси, музей экспонатлари ва нодир қўлёзмаларни сақлаш фондлари, 200 кишилик замонавий кафетерий, музейга кириш вестибуллари ва чиптахоналардан иборат бўлади.

Иккинчи қаватида мазмуни ва экспонатлар хилма-хиллиги бўйича бетакрор, мавзули

йўналишлар бўйича шакллантирилган, энг замонавий технологиялар асосида намойиш этиладиган ислом оламининг бебаҳо меросидан намуналар, турли ноёб экспонатларни ўз ичига олган, қарийб 15 000 кв метр ҳажмдаги кўرғазма залига эга музей жойлашади. Музей марказида, 50 метр баландликдаги гумбаз остида бутун Ислам оламининг дурдонаси ҳисобланган Усмон Муҳаффи ўрин олади.

Учинчи қаватида Ислам дунёсининг тамаддунига оид 100 мингдан ошқ қўлёзмалар ва уларнинг электрон кўринишларини қамраб олган, шунингдек, барча турдаги замонавий даврий нашр манбаларига эга бўлган кутубхона жойлашади. Марказ юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, дин ва маърифат мавзусидаги замонавий китоб ва бошқа турдаги нашрларнинг қозғов ва электрон кўринишдаги маълумотларининг йирик жам-

ланмаси ҳамда 100 минггача қўлёзмалар фондига эга кутубхона фаолият олиб боради.

Марказда қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқаларни замонавий усулларда реставрация қилиш, тиклаш, нусха олиш ва кўпайтириш бўлими фаолият юритади.

Марказ таркибиде чуқур ўйланган, илмий асосланган аниқ режалар асосида юртимизда ва чет элларда сақланаётган қадимий қўлёзма ва тошбосма китоблар, тарихий далил ва ҳужжатлар, археологик топилмалар, осори-атиқалар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида намойиш этиладиган 40 мингдан зиёд экспонатларга эга музей ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Матбуот хизмати.

Энди қурувчи ва лойиҳачиларга баҳо беришда РЕЙТИНГЛАР «гапиреди»



Ҳар томонлама мустақкам ва чиройли қурилган бинони кўрган кишининг баҳри дили очилади, ҳар гал ёнидан ўтганида шуни лойиҳалаган архитектор қобилиятига таҳсинлар айтади. Аммо бирор биро ёки иншоотнинг сифати ҳаминқадар бўлиб, кўп шикоятлар туша бошласа, калтак айланиб, қурувчининг бошида синади. Шундай эмасми?

Энди лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида рейтинг тизими йўлга қўйилмоқда. Бу билан лойиҳаловчи ва қурувчининг иши бино фойдаланишга топширилиб, ҳамма ютук ва камчиликлар юзага чиққач эмас, балки қурилиш-монтаж жараёнида баҳолаб борилади. Бу ҳақда 2020 йил 9 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартибини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Ушбу меъёрий ҳужжат асосида Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам тасдиқланди.

Рейтинг қайси мезонларга асосан юритилади?

Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингининг ҳисоби Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган методикалар асосида юритилади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтганлиги, асосий фаолият тури қурилиш-монтаж ишлари (хизматлар)дан иборатлиги ҳамда тегишли лицензияга эга бўлганлиги юридик шахсларни қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингига киритиш учун асосий мезон ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

Оилавий поликлиника янги бинода иш бошлади

Андижон вилояти Булоқбоши тумани Қашқар маҳалласида туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги 22-қишлоқ оилавий поликлиникасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Мазкур тиббиёт муассасаси очилишига бағишланган тадбирда мамлакатимизда кейинги йилларида аҳоли соғлиғини муҳофазат қилиш, тиббиёт муассасалари учун мослаштирилган янги бинолар қуриш, уларни илғор ва замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги туфайли тиббий хизмат сифати юксалиб бораётганлиги таъкидланди.

Поликлиниканинг қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун қарийб 1 миллиард 650 миллион сўм бюджет маблағи сарфланди, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Бахтиёржон Комилов. — Эндликда туманнинг тўртта — Қашқар, Нурзамин, Соҳибкор ва Сарвонтепа маҳаллаларида яшовчи 17,5

минг нафардан зиёд аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати янада ортади. Турли хасталикларни эрта аниқлаш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш баробарида катта қулайлик яратилди.

Қўрқам, замонавий қиёфага эга мазкур поликлиникани таъмирлаш-қурилиш ишлари «Андижон мустақил қурилиш имкон» ва «Зиё — 2002» масъулияти чекланган жамиятлари қурувчилари томонидан бажарилди. Бу ерда шифокорлар ва таширф бююрувчилар учун зарур барча шароитлар яратилган. Шунингдек, қишлоқ оилавий поликлиникасида 20 ўринли кундузги шифохона ҳам ташкил этилди.

Фахридин УБАЙДУЛЛАЕВ, Ў.А.

Энди қурувчи ва лойиҳачиларга баҳо беришда РЕЙТИНГЛАР «гапиради»

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Шаффоф қурилиш» билан интеграциялаштирилган портал ишга тушди

Рейтинг тушунчаси ҳақида гап кетганда, унинг объективлиги, ҳаққонийлиги ва очиқлигига кўпроқ эътибор берилади. Сабаби, бажарилган иш таҳлил қилинганда ёки баҳоланганда, субъектив эмас, объектив ёндашилиши ва бу кўрсаткичлар барча учун очиқ бўлиши керак. Қолаверса, бугун рақамлашмаган ва интеграция қилинмаган соҳа ривожланишдан ортада қолиб кетаверади.

Шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, www.reyting.mc.uz портали ишга туширилди. Ушбу дастурий таъминот «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирилган бўлиб, унга киритилган маълумотлар барча учун очиқдир. Истаган киши ушбу порталга кириб, истаган қурилиш ташкилоти ҳақида ахборот олиши мумкин. Бунинг учун ташкилотнинг

9 хонадан иборат СТИР рақамини киритиш керак. Қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингда ишончилик тоифаси «А», «В», «С», «D» категорияларида баҳоланса, ишонч даражаси 1, 2 ва 3 даражада белгилади. Агар ташкилотнинг ишончилик даражаси 85-100 фоиз оралиғида бўлса, унга 1-юқори даража берилади ва ААА белгиси қўйилади. Агар пудратчининг олган баҳолари 75-85 фоиз оралиғида тўғри келса, 2-юқори даражага эга бўлади ва унга АА рейтинг баҳоси берилади. Агар кўрсаткичлар 65 фоиздан кам бўлса, 3-юқори даража берилиб, А белгиси қўйилади.

Баҳолашдаги В ўрта даражани билдириб, ташкилотнинг иши 55-65 фоиз оралиғида баҳоланса, 1-урта даража – ВВВ белгиси берилади. Шунингдек, 35-55 фоиз оралиғидаги кўрсаткичларга иккинчи ва учинчи ўрта даража баҳоси берилади. С қонқарли даража деб ҳисобланса, D белгиси қўйи даражалар учун қўйилади. 5-20 фоиз оралиғидаги кўрсаткичлар D белгисининг қўйилишига асос бўлади.

Рейтинг тизими бизга нима беради?

Назорат барча соҳада тартиблиликни белгилаб, ходимлар масъулиятини оширишни биламиз. Айниқса, бу бирор иморат қурилишида жуда муҳим. «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида барпо этилган бинода эртага фарзандларимиз яшаши, таҳсил олиши ёки ишлаши мумкинлигини унутмаслик керак.

– Ушбу рейтинг тизими, аввало, ишга янада масъулият билан ёндашишга ундайди, – дейди Шерзод Хидояттов. – Сабаби, ишини билиб қил-маса, ташкилотларга қўйиладиган баллар ҳам пастга қараб тушишни бошлайди. Ҳаммасбларидан ортада қолаётган пудратчи янада қаттиқроқ ишлашга, натижаларини янада яхшироқ қилишга интилади. Мижозлар ёки бюртмачилар ҳам лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларини шу рейтинг кўрсаткичларига қараб танлай бошласа, соғлом рақобатга ўз-ўзидан йўл очилади ва бу орқали пудрат ҳамда лойиҳа ишлари бозори ривожланади. Қолаверса, ушбу тизим лойиҳа ва қурилиш ишларида марказлаштирилган маблаглардан самарали фойдаланиш бўйича такомиллашган тизимни жорий этишга ҳамда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан шаҳар-соҳилик нормалари ва қоидаларига тўлиқ риоя этилишига олиб келади.

Шунингдек, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида маҳоратли ишчи ва хизматчиларни (кадрларни) тайёрлаш, улар малакасини мунтазам равишда ошириб бориш орқали лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари салоҳияти оширилишига эришилади.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Янги Ўзбекистон» мухбири.

(«Янги Ўзбекистон» газетасининг 2020 йил 14 ноябрдаги сонидан).

Ҳудудлардан дараклар

Тошкент вилояти ҳокимлигида юртимизга ташриф буюрган Япония компанияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Тадбирда «Beeanz Inc.» компанияси бош директори Тсутомо Учиёма, мазкур компания маслаҳатчиси Дансуке Накамура ва «Gakko plus» компанияси раҳбари Масайя Вашизу иштирок этди. Самимий рўхда ўтган учрашувда Тошкент вилояти ҳақида Япониянинг «Beeanz Inc» компанияси ўртасида IT-академияси бунёд этиш борасида келишувлар имзоланди. Келишувга кўра, мазкур Академияда ўқиш мuddати 10 ойни ташкил этиб, унда ҳафтаига 5 кун видеодастарлар бўлиб ўтади. Шунингдек, ҳафтанинг ҳар жума кuni япон мутахассислари ва таржимон ёрдамида савол-жавоб ўтказилади.

Ўрта Чирчиқ туманида кўп қаватли уйлар куз-қиш мавсумига пухта тайёрланди. «Агробанк»нинг туман филиали томонидан «Туркистон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Туркистон янги олам» ширкатига эса манзилли дастур асосида 90 миллион сўм кредит маблағи ажратилди.

Ушбу маблағ ҳисобига «Shoh prof build» масъулияти чекланган жамияти томонидан 1-Туркистон кўчасидаги 11-ва 13-уйларнинг том қисми ва фасад қисми таъмирланиб, 6 та замонавий темир эшиклар ўрнатилди.

Паркент туманининг «Марказий» МФЙ ҳудудидаги собиқ юқумли касалликлар шифохонаси бино-иншоотлари узоқ мuddатдан бўён фойдаланилмаётгани сабабли яроқсиз ҳолга келиб қолганди.

Президентимизнинг 2019 йил 19 февралдаги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида шифохона биноси икки қисмга ажратилиб, биринчи қисми инвестиция киритиш ва ижтимоий мажбуриятлар шарт билан «SALUS VITA» МЧЖга сотилди. Тиббий соғломлаштириш, яъни диагностика ва стационар марказини ташкил этиш учун умумий қиймати 10,0 миллиард сўм инвестиция киритилиб, 50 нафар янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Президентимизнинг «2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти «Тоza ҳудуд» ДУК туман, шаҳар филиалларида ажратилган махсус чиқинди ташиш техникалари топширилди.

Дарҳақиқат, вилоятда экология ва санитария муҳитини янада яхшилаш, шаҳар ва туманларнинг обод ва кўркем бўлишида «Тоza ҳудуд» давлат унитар корхонаси фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Корхона ва унинг туман филиалларида 1 000 нафардан ортиқ ходим меҳнат қилади. Эндиликда ушбу техникалар Бўка, Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Окқўрғон, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл, Бўстонлиқ ва Оҳангарон туман филиалларида хизмат кўрсата бошлайди.

Наргиза МИРЁҚУБОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Сенатор мактабни таъмирлашда ёрдам кўрсатди

Бугун Янгиланаётган Ўзбекистоннинг янги қиёфасини ҳар қадамда, ҳар соҳада кўришимиз мумкин. Хоҳ қурилиш соҳаси бўлсин, хоҳ таълим, иқтисод- сийёсат бўлсин, барчасида янгиланиш нафаси фуриб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлисида Президентимиз «Сенатор – бу аввало, халқ ва давлат ишончини қозонган инсон. У чуқур билимли, бой ҳаётий тажрибга эга бўлган тинимсиз меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатадиган, халқ манфаатларини доимо биринчи ўринга қўйиб, ўз тақдирини эл-юрт тақдирини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрадиган шахсдир. Сизларнинг тимсолинми биз ана шундай етуқ ва фаол шахсларни тасаввур қиламиз», деб бежиз айтмаган эди.

Яқинда Олий Мажлис Сенати аъзоси, Жиззах вилояти Касаба уюшмалари ташкилоти раиси Нусуратулла Пардаев Зомин туманида жойлашган «Туркман» МФЙ ҳудудидаги 21-, 19-сонли, «Истиқлол» ҚФЙдаги 22-, 3-сонли умумтаълим мактабларида ўрганишлар олиб борган эди. Сенаторнинг ушбу ташрифи «Истиқлол» ҚФЙдаги 3-сонли умумтаълим мактаби учун гоят самарали бўлди.

Ушбу мактаб 1998 йилда фойдаланишга

топширилган бўлиб, бугунги кунда бино таъмирталаб ҳолга келиб қолган, иситиш тизими талаб даражасида эмас.

Сенатор 3-сонли мактабга ташриф буюриб, иситиш тизими бир неча йиллардан буён ишламаслиги, ўқувчилар совуқ хоналарда дарс ўтаётгани ташриф давомида аниқланди. Ушбу муаммолар вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи Д. Садриддинова ҳамда туман Халқ таълими бўлими мудири А. Эргашевлар билан бирга ҳал этиладиган бўлди. Шу ернинг ўзига вилоят ва туман мутасаддилари билан биргаликда амалга оширилши лозим бўлган зарур ишлар режалаштирилди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, мактабнинг том қисми «Trust Electronics» МЧЖ томонидан тўла янгилаб берилди. Ҳозирда мактабнинг иситиш тизимини қайта таъмирлаш ҳам ушбу жамият томонидан амалга оширилмоқда.

Зомин тумани ҳокимлиги
Ахборот хизмати.

Пресс-тур ташкил этилди

мақсадида «Ибн Сино» ва «Шохруд» гидроузеллари фаолияти билан танишди.

Ҳозирда Бухоро ва Когон шаҳри ҳамда унинг атрофида яшовчи 360 минг аҳолининг барчаси марказлашган ичимлик суви билан тўлиқ таъминланиб, қамров даражаси 100 фоизга етказилган.

Тадбир қатнашчилари «Ибн Сино» сув узатиш иншоотида бўлдилар. Когон тумани, «Сиепоён» ҚФЙда жойлашган мазкур объект 1950 йилда ишга туширилган бўлиб, ўша вақтда 7 та дизель двигатели сув кўтариш насосларидан фойдаланади. Иншоотни «Қуйимзор» сув омбори оби ҳаёт билан таъминлаган.

– 1980 йилларда иншоот реконструкция қилиниб, янги бино

қурилган, – деди насос станцияси раҳбари Даврон Низомов. – Ушбу иншоот Бухоро ва Когон шаҳарлари, қўшни Қашқадарё вилоятининг Муборак шаҳри аҳолиси ва саноат комплексларини техник сув билан узлуksиз таъминлайди.

Пресс-тур иштирокчилари бу ерда иншоотнинг ишлаш механизми билан яқиндан танишдилар ва сувнинг узатиш иншоотида кириб келишидан тортиб, шу ерда ишлаш, сув тозалаш объектига чиқиб кетишгача бўлган жараёни кўздан кечирдилар.

«Шохруд» гидро иншооти 1964 йилда ишга туширилган бўлиб, ўша вақтда қуввати суткасига 100 минг куб бўлган сувни тозалаш ва узатиш имконини берган. 2003-2010 йиллар

да халқаро кредит маблағи ҳисобига қайта таъмирланганидан сўнг мазкур кўрсаткич суткасига 130 минг кубга етказилган. Комплекс таъмирдан сўнг бу ерда замонавий ва жаҳон стандартларига жавоб берадиган насослар, хлор ишлаб чиқариш бўйича электролиз қурилмаси, реагент хўжалиги, лаборатория асбоб-ускуналари ҳамда 2 та сув тиндиргич ҳавзаси ва филтрлаш биноси соз ҳолга келтирилган.

– Тиндириш жараёнини тезлаштириш учун сув қабул қилиш камерасида сувнинг лойқаланиш даражасига қараб 8 фоизли коагулянт эритмаси қўйилади, – деди «Шохруд» ичимлик суви тозалаш ва узатиш иншооти раҳбари Мансур Саидов. – Шундан сўнг сув таркибид

Янги иншоотлар фойдаланишга топширилди



Тошкент тумани марказида «Олтин балиқча» 12-сонли мактабга таълим ташкилоти янгидан қад ростлади. «Anglesey Food» чет эл корхонаси ҳомийлигида «Миродил вақт инвест» МЧЖ қурувчилари томонидан реконструкция қилинган ушбу муассасада 16 та ғуруҳдан иборат 480 нафар кичкинтой мактабга тайёрланади. Мактабга таълим вазирлиги томонидан тўлиқ жиҳозланган объектнинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан бу ерда 12 та янги иш ўрни яратилди.



Тумандаги Болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўрнида барпо этилган «Универсал» спорт мажмуасининг фойдаланишга топширилиши ҳудуд аҳли учун қувонарли воқеа бўлди. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг маблағи эвазига қад ростлаган ушбу мажмуада бир эгалари ҳамда сунъий футбол майдони мавжуд бўлиб, қўшимча тўғарақлар ҳам ташкил этилади.

Ёшларни муסיқа ва санъат, рассомчилик, адабиёт, театр санъатининг бошқа турларига қизиқтиришни ошириш, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш мақсадида Келес шаҳри марказида замонавий кўринишдаги «Маданият саройи» барпо этилиб, унда турли йўналишлардаги тўғарақлар фаолият олиб бориши кўзда тутилган.

Келес йўли кўчаси бўйлаб қад кўтарган кўп қаватли уйлар туман марказига янада кўркем қиёфа бахш этмоқда. Ушбу турар жойлар «Кишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси буюртмаси асосида бунёд этилди. Замонавий архитектуравий ечим асосида қурилган 5 та 7 қаватли, жами 180 хо-

надондан иборат бўлган бу уй-жойлар туман аҳолисининг яшаш даражаси ва сифатини оширишга замин яратади. Туманда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга ҳам эътибор кучайтирилмоқда. Яқинда Келес шаҳрида «Тошкентметрожилстрой» МЧЖ пудрат ташкилоти қурувчилари томонидан Марказий шифохона қуриб битказилди. Уч қаватли замонавий бино яхлит бир тиббиёт комплексига айлантирилди. Эндиликда туман аҳолиси даво истаб пойтахт шифоналарига қатнашишга барҳам берилди. Шу ернинг ўзига барча чуқурлаштирилган тиббий хизмат ва муолажалар амалга оширилади.

Туманда ёшларнинг бўш вақтинини мазмунли ўтказиш учун Маданият саройи қаршида 1 500 ўринли ёзги Амфитеатр қуриб битказилиб, унга туташ ҳудудда сайилгоҳ ва Хотира майдони бунёд этилди.

Албатта, бу каби бунёдкорлик ишлари замирида халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришдек эзгу мақсадлар мумжасам.

Ўз мухбиримиз.

мавжуд барча муаллақ моддалар сув тубига чўкади. Сув тиндирилгандан сўнг филтрлаш иншоотида ўтади. Мавжуд 9 донна филтр суткасига 130 минг метр куб сувини филтрлаш имконига эга. Филтрлаш технологияси автоматик равишда компьютер орқали бошқариб борилади.

«Бухоро сув таъминоти» МЧЖ моддий-техник базаси ҳам талаб ва эҳтиёжга қараб янгиланган бўлимоқда. Бунинг самараси ўлароқ, айни кунда аҳолига иншоот орқали етказилаётган ичимлик суви халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Пресс-тур давомида оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар соҳа мутахассисларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Бўлажак қурувчилар билан учрашув

Наманган муҳандислик-қурилиш институти талабалари билан «Мен танлаган мутахассислик» мавзусида онлайн давра суҳбати ўтказилди.

Ер юзид

ған онлайн давра суҳбатида бош мавзу бўлди. Тадбир вилоят ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят филиали ташаббуси билан ташкил этилди. Унда шаҳар ва қишлоқларимиз кўркемлик ҳамда ободончилигига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган таниқли қурувчилар иштирок этишди.

Мазкур вебинарда сўзга чиққан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги вилоят филиали раҳбари Шухратгон Тўхтабоев, вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Саидахмад Султонов, институт ректори Шарифбой Эргашев, шунингдек, қурилиш соҳасида фаолият юритаётган малакали му-

тахассислар бинокорлик касбининг ўзига хос жиҳатлари, иқтисодиётнинг бу муҳим йўналишини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган устозлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Саидахмад Султонов иштирокчиларни қизиқтирган масалалар, жумладан, ҳозирги пайтда замонавий ёш кадрларга қўйиладиган талаблар, олий маълумотли мутахассисларни иш билан таъминлаш, юқори босқич талабаларининг амалиётларини ташкил этиш, қурилиш майдонларида илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш бўйича саволларга батафсил жавоб қайтарди. Ўзaro мулоқот жараёнида институт негизига соҳада меҳнат қилаётган муҳандис-техник ходимлар учун қисқа мuddатли малака ошириш курслари ташкил этиш юзасидан таклиф билдирилди. Олий ўқув юрти вакиллари бу гоёни қизғин қўллаб-қувватладилар.

– Институтимиз мустақил олий ўқув юрти

сифатида 1992 йилда ташкил этилганди, – дейди НамМҚИ проректори Саъдуллахон Умархонов. – Уч йил илгари муҳандислик-қурилиш институтига айлантирилди. Ассоси вазирамиз – муҳандислик, архитектура, қурилиш, машина-созлик ва коммунал хўжалик соҳалари ташкилотлари учун юқори малакали, рақобатбардош ва меҳнат бозори талабларига мос кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлаш. Профессор-ўқитувчиларимиз жамоаси шу мақсадда астойдил изланиб, меҳнат қилмоқдалар.

Шу ўринда бугунги кунда институтда қурилиш, муҳандислик коммуникациялари қурилиш ва монтаж, қурилиш-технология факультетлари ишлаб турганини қайд этиш зарур. Уларда келажакда бунёдкорлик соҳасини ривожлантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган йигит-қизлар таҳсил олишмоқда.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Фарғонада ҳам кўп қаватли уйлар қурилмоқда

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлорнинг энг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Шундай экан, бунёдкорлик туфайли инсонларни йиллаб ушалмаган орзулари рўёбга чиқмоқда. Манзиллар обод бўлиб, кўркам ва ихчам шаҳарчалар бунёд этилмоқда.

Масалан, Фарғона шаҳрида ҳам замонавий шаҳарсозлик намуналари вилоятда илк мартаба 16 қаватли турар жой бинолари барпо этилмоқда. Эрта баҳорда пойдевори қўйилган иншоот қисқа вақтда бўй кўтарди. Бу ерда қурилиш-монтаж ишлари поёнига етпти. Этиборлиси, 16 қаватли 80 та хонадондан иборат бўлган мазкур

уйдаги 2 ва 3 хонали квартиралар арзон турар жойлар ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам мазкур объектлардаги қурилиш жараёнлари вилоят ҳокимлигининг доимий диққат этиборига олинган. Бунёд этилаётган ушбу кўп қаватли уйлар қурилишида дунёнинг энг илғор технологияларидан фойдаланилган. Зилзилабар-

дошлиги ва ёнгин хавфсизлиги каби жиҳатларга жиддий эътибор қаратилиб, ландшафт архитектураси асосида ҳордиқ масканлари ташкил этиш кўзда тутилган.

– Фарғона шаҳрининг Мустақиллик шаҳарчасида 16, 18, 24 ва 30 қаватли турар жой бинолари бунёд этилмоқда, – дейди Фарғона шаҳар қурилиш бўлими бошлиғи Музаффар Икромов. – Ҳозирги пайтда 16 қаватли турар жой биносидида ишларнинг 90 фоизи якунига етди. Келгуси ойда иншоотни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Бундай замонавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган кўп қаватли уйлар шаҳарга ўзгача кўрк бағишлайди. Қолаверса, аҳоли зич худудларда уй-жойга бўлган талабни қондиради. Мазкур уйлар жаҳон стандартлари асосида яхлит темир-бетондан зилзилага бардошли қилиб қурилмоқда. Бинонинг ташқи деворлари энергия тежамкор материаллар билан қопланган. Яна бир муҳим жиҳат, маҳсулотларнинг аксарияти Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган. Масалан, хонадонлар бегази учун кафел, керамика маҳсулотлари техника жиҳозлари Фарғона вилояти корхоналарида тайёрлаб берилмоқда.

– Биринчи навбатда геология жараёнларига алоҳида эътибор қаратганимиз, – дейди суҳбатдошимиз.

– Ҳозирда 30 қаватли бинонинг лойиҳа ҳужжатлари тайёрланган. Барпо қилинаётган янги маҳаллада поликлиника, савдо ва маиший мажмуалар, болалар боғчаси, 420 ўринли мактаб каби иншоотлар бу йил фойдаланишга топширилади.

4 та 7 қаватли уй-жой кўҳна Марғилоннинг янги Фарғона кўчаси бўйлаб қад ростламоқда. Уларнинг ҳар бири 42 тадан квартирага эга, яъни 168 оила тез кунларда уйларга кўчиб ўтишга тайёргарлик кўрмоқда.

«Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИК зиммасига эса мазкур кўп қаватли арзон уйларни тайёр ҳолда топшириш, қурилишни молиялаштириш ва қурилиш жараёнини техник назорат қилиш каби вазифалар юклатилган. Шу асосида компания томонидан худудларда кўп қаватли арзон уй-жойлар бунёд этилиб имтиёзли ипотека кредитлари асосида ўз эгаларига топширилмоқда. Муҳими, вилоятда барпо этилаётган арзон уй-жойлар худудлар қиёфасини янада ўзгартириш ва замонавий инфратузилмаларни барпо этиш билан бирга жамиятдаги кўплаб муаммоларга ечим топиш, хусусан, ёшларни иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, эҳтиёжманд оилаларни турмуш фаровонлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Кейинги йилларда Сингапурнинг «Indorama» компанияси Фарғона вилоятида бир қатор йирик лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширди.

Ҳамкорлик кенгайди



Улар орасида Қўқон шаҳридаги «Indorama Kokand textile» МЧЖ шаклидаги кўшма корхонаси алоҳида ўрин тутди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Аини пайтда мато ва сочқ тайёрлашни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Яқинда вилоят ҳокими вази-

сини бажарувчи Хайрулло Бозоров сингапурлик ҳамкорлар билан видеомуроқот ўтказди ва бу борадаги вазифалар аниқлаштириб олинди. «Indorama» компаниясининг «Қўқон суперфосфат заводи» акциядорлик жамиятида амалга ошираётган янги инвестиция лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.

Ўз мухбиримиз.



«Қамаши пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

«Қамаши пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 12 декабрь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 14.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Алпомиш кўчаси, 1-уйда жойлашган «Қамаши пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг маъмурий биноси мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 13.00 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.qamashipaxta.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Аудиторлик ташкилотларининг хулосасини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг эски йиллар ва 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
6. «Қамаши пахта тозалаш» АЖ 100 фоиз таъсисчилигида ташкил этилган «Чевар Севинчбону» МЧЖни ихтиёр тугатиш.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика худудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сонли қарори ижроси.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 12 ноябрь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2020 йил 7 декабрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани, Алпомиш кўчаси, 1-уй.

Тел.: 75-532-49-55.

Электрон почта: qamashi-pt@umail.uz

«Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

«Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши 2020 йил 9 декабрь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 11.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўлида жойлашган «Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.kosonpaxta.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан «Косон пахта тозалаш» АЖ ҳамда пахта тайёрлаш пунктларининг бино ва иншоотлари-

ни пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида.

4. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан, мулкларни оммавий савдо-сотиш, маҳаллий ҳокимият «Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

5. «Косон пахта тозалаш» АЖ ва унга қарашли пахта қабул қилиш масканларини «Бунёдкор» МЧЖ ва «Косон Бахт текстиль» МЧЖ кластер корхоналарига сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш.

6. Аудиторлик ташкилотларининг хулосасини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2019 йил бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

8. Жамиятнинг эски йиллари ва 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

9. Жамият кузатув кенгашини қайта сайлаш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар

реестри 2020 йил 13 ноябрь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри (3 иш куни олдин) 2020 йил 3 декабрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Косон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносидида танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Қарши-Бухоро йўли.

Тел.: 75-592-11-68.

E-mail: koson-paxta@umail.uz

«Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

«Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 11 декабрь куни ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 14.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Сардоба кўрғонидида жойлашган «Муборак пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 13.00 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.muborakpaxta.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.
4. Жамиятнинг 2019 йил бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг ўтган йиллар ва 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
6. Жамият кузатув кенгашини қайта сайлаш.

Акциядорлар акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Қамаши пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносидида танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, Сардоба кўрғони.

Тел.: 97-447-07-52.

E-mail: Kholmirzaev2016@mail.ru

«Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

«Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 10 декабрь куни ўтказилади. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш соат 14.00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, «Нишон» ҚФЙда жойлашган «Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 12.30 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.nishonpaxta.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш;
3. Жамиятнинг 2019 йил бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
4. Жамиятнинг ўтган йиллар ва 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

5. Жамият кузатув кенгашини қайта сайлаш;

6. Жамият акциядорларининг 2020 йил 12 сентябрда ўтказилган умумий йиғилиши кун тартибидидаги 15-масаласида «Ўзпахтасаноат» АЖнинг 2020 йил 1 июндаги 0-12/1795-сонли ва «Indorama Agro» ХК МЧЖнинг 2020 йил 2 июндаги Т/1АДМ/2020/452-сонли хатларига асосан «Нишон пахта тозалаш» АЖ ва завод қошидаги пахта қабул қилиш маскани ҳамда «Пахтазор» ва «Наврўз» пахта қабул қилиш масканларининг «Indorama Agro» ХК МЧЖга сотиш тўғрисидаги йирик битим тузиш масаласини қайта кўриб чиқиш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – навбатдан ташқари умумий йиғилишни ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2020 йил 12 ноябрь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият ак-

циядорларининг реестри (3 иш кун олдин) 2020 йил 3 декабрь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат – паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун – нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун – мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Нишон пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносидида танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадарё вилояти, Нишон тумани, «Нишон» ҚФЙ, «Нишон пахта тозалаш» АЖ.

Тел.: 75-512-33-07.

E-mail: nishon-ptoj@mail.ru

«Regionlaro mulk markazi» МЧЖ

Сурхондарё вилояти филиали

оммавий очик такрорий аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «Харбий Савдо-Термиз» ДУКнинг 2020 йил 16 ноябрдаги 53-бюртманомасига асосан ДУКга тегишли ва унда сақланаётган 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами бўлмаган, техник ҳолати таъмирталаб «ТИКО» русумли автотранспорт бошлангич баҳоси – 6 658 000 сўмга қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2020 йил 3 декабрь, соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари, соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишнинг охири

муддати: 2020 йил 2 декабрь куни, соат 18.00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Сотувчи томонидан мулк учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллари учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишу-

вига асосан мулк бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «RMM» МЧЖ Сурхондарё вилоят филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 0052 6588 2004 ХАБ «Траст банк» Термиз филиали МФО 01063 СТИР 307 638 956.

Ариза (талабнома)ларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-«А» уй.

Тел.: 91-575-43-85.

880847 рақамли гувоҳнома.

Тошкент шаҳар Миробод тумани «Profi school» НТМ томонидан Муҳаммадиев Шохжаҳон ўғли номига 2020 йил 15 июнь куни берилган серия рақами UM 0708574 бўлган аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«Шаҳрисабз пахта тозалаш» акциядорлик жамияти

акциядорлари диққатига!

«Шаҳрисабз пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги чиқарилган эълон кун тартибининг қуйидаги:

Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш масаласи қуйидагича ўзгартиришда ўқилсин: «Шаҳрисабз пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг ўтган йиллар ва 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.

ТУЗАТИШ

«O'zbekiston bunyodkori» газетасининг 2020 йил 6 ноябрдаги 87 (436)-сонидида «Насаф риэлт сервис» МЧЖ томонидан берилган хабарноманинг 1-хатбошидаги «2020 йил 20 декабрь» сўзи «2020 йил 25 ноябрь» деб

ўқилишини ва ушбу кунда белгиланган савдода сотилмай қолган мулклар 2020 йил 28 декабрь кунига қадар (савдонинг охириги кун) 2020 йил 28 декабрь) ҳафтанинг ҳар душанба куни ўтказилишини маълум қиламиз.

ҚУРИЛИШ СОҲАСИ РАҚАМЛАРДА

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасида жами 65,2 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўсиш суръати 2019 йилнинг январь-сентябрь

ойларига нисбатан 108,6 фоизни ташкил этди.

Республика бўйича қурилиш ишларининг энг юқори ҳажми Тошкент шаҳрига тўғри келиб, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида республика бўйича жами қурилиш ишларининг

20,5 фоизи ёки 13,4 трлн сўмлик қурилиш ишлари бажарилган.

Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги кўрсаткичлар қуйидагича:

Тошкент вилояти – 7,1 фоиз;
Самарқанд вилояти – 6,5 фоиз;
Бухоро вилояти – 6,2 фоиз;
Фарғона вилояти – 5,9 фоиз;
Қашқадарё вилояти – 5,7 фоиз;
Сурхондарё вилояти – 5,2 фоиз;
Наманган вилояти – 4,9 фоиз;
Андижон вилояти – 4,8 фоиз;
Навоий вилояти – 4,8 фоиз;
Қорақалпоғистон Республикаси – 4,5 фоиз;
Хоразм вилояти – 3,4 фоиз;
Жиззах вилояти – 3,3 фоиз;
Сирдарё вилояти – 2,5 фоиз;

Қурилиш ишлари ҳажмида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг улуши қуйидагича бўлди:

кичик корхона ва микрофирмалар – 35,7 трлн сўм;
йирик ташкилотлар – 18,2 трлн сўм;
норасмий сектор – 11,3 трлн сўм.



Қайси соҳада инновациялар кўпроқ жорий этилган?

Муҳими, қурилиш тармоғи, АКТ ва таълим соҳаларини ортада қолдириб иккинчи ўринни банд этган.

2019 йилда Ўзбекистон Республикасида инновацияларни жорий этган корхона ва ташкилотлар статистикасига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича инновацияларни жорий этишда энг юқори улуш ишлаб чиқариш соҳада кузатилиб, 51,9 фоизни ташкил этмоқда.

Инновацияларни жорий этишда энг юқори улушга эга бўлган соҳалар қуйидагича кўринишда:

ишлаб чиқариш соҳаи – 51,9 фоиз;
қурилиш – 6,5 фоиз;
қишлоқ ўрмон ва балиқ ҳўжалиги – 2,7 фоиз;
ахборот ва алоқа – 2,4 фоиз;
таълим – 1,1 фоиз;
Бошқа фаолият турлари – 35,4 фоиз.

9 ойда қанча турар жой фойдаланишга топширилди?

Жорий йилнинг 9 ойида республика бўйича жами 44,4 мингга ёки 8398,8 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди.

Турар жойларнинг асосий қисми, яъни 95,4 фоизини уй ҳўжалиқлари томонидан яқка тартибда қуриб, фойдаланишга топширилган уй-жойлар ташкил этди.

Намунавий лойиҳалар асосида қурилиб, фойдаланишга топширилган турар жойлар улуши 3,2 фоизни, қолган 1,4 фоиз турар жойлар бошқа юридик шахслар томонидан бунёд этилган.

Жисмоний шахслар томонидан бунёд этилган турар жойларнинг 70,7 фоизи ҳамда намунавий лойиҳалар асосида қуриб фойдаланишга топширилган турар жойларнинг 76,9 фоизи қишлоқ жойларда қурилган.

Ялли ички маҳсулот таркибиде қурилишнинг улуши қандай?

Жорий йилнинг 9 ойи якунларида ялли ички маҳсулот таркибиде қурилиш тармоғининг улуши 7,4 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,5 фоиз пунктга ошган.

2020 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикаси ялли ички маҳсулоти (ЯИМ) ҳажми жорий нархларда 408,3 трлн сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг 9 ойи якунларида ялли ички маҳсулот таркибиде тармоқларнинг улуши:

ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ошганлари: қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик ҳўжалигининг улуши – 27,3 фоиздан 27,9 фоизга (0,6 фоиз пунктга); қурилиш тармоғининг улуши – 6,9 фоиздан 7,4 фоизга (0,5 фоиз пунктга);

ўтган йилнинг мос даврига нисбатан камайганлари: sanoatning улуши – 29,3 фоиздан 28,5 фоизга (0,8 фоиз пунктга);

хизматлар соҳасининг улуши – 36,5 фоиздан 36,2 фоизга (0,3 фоиз пунктга).

Давлат статистика қўмитаси матълумотлари асосида тайёрланди.

Ҳар фаслнинг ўз гашти бор. Улардаги табиат инъом этган гўзаллик инсонлар қаторида барча жонотларга куч-қувват бағишлайди ва илҳом сари етаклайди. Айниқса, кузнинг таровати ўзгача бўлгани учун ҳам уни олтинга қийслаймиз. Чунки бу фасл нафақат гўзаллиги билан эътибор тортади, балки барча қилинган меҳнатларнинг самарасини ҳам юзга чиқаради.

ЁНАЁТГАН ХАЗОННИНГ ТАШВИШИ КўП аммо у қайта ишланса, даромад манбаига айланади



Ана шу даврда айниқса, дов-дархлардаги япроқларнинг турли рангда товланиши ҳар қандай кишини ўзига ром қилиб, ҳайратлантириши турган гап. Эрта баҳордан токи шу пайтгача елкасида авайлаб-асраган япроқларини тўқади. Кўчалар, истироҳат боғлари, хуллас, қаерга қадам қўйсангиз, баргхазонни босасиз. Шитирлаб ерга тушаётганидан ҳар қанча завқлансак-да, бироқ баргхазон туфайли ҳар кунни кўча ва ҳовлини супуриб-сидириб, орасталик киритишдан орандаганлар ҳам йўқ эмас. Шу сабабли айримлар тўзиб ётган барглари ёқиб юборсам, бира-тўла ташвишдан қўтилам, деб ўйлайди. Бундай фикрлаш қандай оқибатларга олиб келишини эса ўйламайди.

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги маҳаллалардан бирида яшовчи Д.Б. исмли фуқаро табиат инъом этган гўзаллик ҳамда уни асраш ва баргхазонни ёқмаслик, хонадонларни ўт балосидан сақлаш сингари муҳим масалалар куз-қишқи тайёргарлик ишларининг талаби эканини унутган чоғи. Акс ҳолда, ҳовлиси ва кўча йўлакчасини супуриб, чиқинди ташлайдиган маҳсулот жойга олиб бормади, хавфсизлик қоидаларига риоя этмасдан, уни шу жойининг ўзида ёқиб юбормаган бўларди. Натижада у йўл қўйган ҳатмлик туфайли кўпчилик ташвиш кўргани баробарида, сал бўлмаса хонадонининг кули кўкка соврилди. Тилсиз ёв барибир зиён етказмай қўймайди, кўча кўркини бебаб турган бир неча тулпар дарахтлар ёқиб кетди.

Гап баргхазон ва уларни дуч келган жойда ёқмаслик тўғрисида бораркан, пойтахт вилоятининг Оққўрғон туманида яшовчи кўп тармоқчи фермер ҳўжалиги раҳбари Абдумалик Каримовнинг шу мавзуда сўзлаб берганлари эсга тушди. У киши тўрт йил аввал қишлоқ ҳўжалиги соҳаси бўйича хорижиликлар тажрибасини ўрганиш мақсадида Германия ҳамда Япония давлатларида бўлганида у жойдагиларнинг бир муҳим иши эътиборини тортганини айтганди. Гап шундаки, улар баргхазон ва ҳар хил чиқиндиларни ёқиб юбормас экан. Аксинча, ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар хизматчилари қатори мактаб ўқувчилари ҳам дарслардан сўнг, бўш вақтларида уларни тўплаб, маҳсул қазилган ураларга олиб келиб кўмишаркан. Бундан ташқари, айнан шу юмуш билан шуғулланувчи ташкилотлар ҳам тузилиб, улар экин қўлиди, чиқинди ва хазон кўмиб қўйилгач, уч ой оралиғида у тайёр ўғитга айланишини назорат қилишаркан экан.

Экин майдонларининг унумдорлик даражасини кўтариш ва ҳосилдорлигини оширишда баргхазон ҳамда чиқиндилардан тайёрланган маҳаллий ўғитнинг аҳамияти беқиёс бўлиши боис, унга қишлоқ ҳўжалигида талаб катта экан. Муҳими, чиқиндилардан тайёрланган ўғитдан корхоналар сингари мактаблар ҳам ҳар йили миллионлаб даромад кўришаркан. Ана шу сингари ишлар йўлга қўйилгани натижасида ўзини ўзи иқтисодий таъминлашга имкон яралиб, ишлаб топилган даромаднинг

бир қисми энг фаол ўқитувчи ва энг аълочи ўқувчиларни рағбатлантиришга сарфланса, яна бир қисми эса мактаб фондига ажратилар экан. Фермернинг айтишича, ҳозирги кунда бу жойлардаги мактабларнинг аксарияти давлатдан ажратилдиган маблағга кўз тикиб турмасдан, зарур пайтда ўқув хоналарини жиҳозлаш ёки таъмирлаш сингари ишларда ўзлари жамғарган маблағдан фойдаланишаркан.

Абдумалик Каримовнинг айтганларидан сўнг, қани энди ўзимизда ҳам худди шундай тажриба кенг қўлланилса, деган фикр туғилди. Зеро, юртимизда экин майдонлари ва ўрмончиликка ихтисослашган дарахтзорлар, шаҳар ҳамда қишлоқлардан чиқариб ташланаётган ёки кўр-кўрона ёқиб юборилаётган мингглаб тонна баргхазон ва чиқинди, экин қолдиқлари маҳсулот жойларга тўпланиб, қайта ишлов берилса, шундоқ ҳам силласи қуриб бораётган кўлаб далаларимиз унумдорлигини оширишда маҳаллий ўғит сифатида ундан оқилона фойдаланиш, нур устига аъло нур бўларди. Бу – катта харажат талаб қилмайдиган бебаҳо бойлик эмасми? Қолаверса, унинг турган-битгани даромад манбаи экани хорижиликлар тажрибасидан яққол кўриниб турибди. Бундан ташқари, деярли харажат талаб қилинмайдиган маҳаллий ўғит бошқа минералларга нисбатан агроанотат мажмуи билан шуғулланувчилар учун ҳам анчагина арзонга тушиши мумкин.

– Хорижда кўрган тажрибани ўзингиз раҳбарлик қилаётган фермер ҳўжалиғида қўллансангиз бўлмайдими – деб сўрадик Абдумалик акадан.

– Қўллаяман, – дейди у киши. – Ишчиларимиз етарли бўлгани сабабли ҳозирча мактабларга мурожаат қилганим йўқ. Бироқ самараси яхши бўляпти. Аваллари бир гектар майдонда экин экишдан бошлаб, токи уни йиғиштириб олгунга қадар анчагина минерал ўғит сарфлашга тўғри келарди. Чиқинди ва баргхазонга қайта ишлов бериш натижасида, аввало, ҳосилдорлик бирмунча ортди, қолаверса, минерал ўғитга сарфланадиган харажатлар ҳам камайди. Ушбу тажрибани уч йилдан буён битта далада ўтказдим, бу синов натижасидеги ҳақиқат йўл очди. Келгусида бошқа майдонларда ҳам қўллаш ниётидаман.

Бир сўз билан айтганда, ҳар хил чиқинди ва баргхазонни ёқиб юбориш оқибатида айрим кўнгилсиз ҳолатлар келиб қиймайди, наботот оламга ҳам зарар етмайди. Аксинча, табиат ато этган бойликлардан янада самаралироқ фойдаланишни мумкин. Уйлаймизки, бу долзарб масалада дахлдор ташкилотлардаги мутахассисларнинг ҳам айтадиган сўзлари, таклиф ва мулоҳазалари бўлса керак. Зеро, барча соҳаларда изланиш ва ташаббуслар қилиниб, натижадорликка эришилаётган даврда бу масала эътибордан четда қолмаса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

ЭЪТИҚОД

Баланд тоғлардан ҳам маҳобатли дурдона

Пурвиқор тоғлар, баланд қиру адирлар бағрида жойлашган Ургут туманида бунёдкорлик, яратувчилик меҳнати тобора авж олмоқда. Тиниб-тинчимас юртдошлар ҳар соҳада юксакликка интилиб, Ватан иқтисодини мустаҳкамлаш, янада раванқ топтириш мақсадида янги корхоналар, уй-жойлар, маданий-маиший бинолар барпо этишга астойдил киришганлар.

Туманда кейинги пайтда 100 дан зиёд замонавий ишлаб чиқариш иншооти фойдаланишга топширилиб, жаҳон андозаларига мос сифатли ва бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқаришмоқда. Айни пайтда Президентимиз ташаббуси билан ташкил қилинган эркин иқтисодий зонада 200 га яқин истиқболли лойиҳалар, режали тadbирларни амалга ошириш жадаллик билан олиб бориляпти.

Барча жабҳаларда пешқадамликни эгаллаш, юксак чўққиларни забт этиш ургутликларга хос одат. Бу анъана уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Жумладан, фуқароларнинг диний эркинлигини таъминлаш, баргикенглик, маърифий ислом ғояларини тарғиб қилиш борасидаги юмушларда ҳам уларнинг олдига тушадиган мардлар кам. Ургут халқининг юксакликка интилишига иштиёқи баландлигини табарққу заминда қад ростилаётган ҳашаматли, ҳар жиҳатдан кўркем, намунали масжид мисолида кўриш мумкин.

– Давлатимиз раҳбари Ўзбекистонда ижтимоий-маънавий соҳани янада ривожлантириш, оилалар, маҳаллалар, бутун жамиятда соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, тинч-осуда ҳаётни, муқаддас динимиз тозаллигини асрашда диний ва дунёвий билимларга алоҳида эътибор қаратганлар. Зеро, не орзу-ҳаваслар, эътиқод ила пойдевор қўйилган масжидларимиз ҳам одамларнинг ўзини англаши, қалбани поклаганига ижобий таъсир кўрсатиши билан бирга, муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатларара тотувлиқ ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Бир гектар майдонни эгаллаган муқаддас қадамжо ёш авлодни Ва-

танга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда беқиёс роль ўйнаши шубҳасиз. Биз, шундай фикр-мулоҳазаларга таяниб, қолаверса, туманнинг эски бош масжиди бугунги талабга жавоб бермаётгани,



жамоавий намозларда жой этишмаётганини назарда тутиб, шу ташаббусга қўл урдиқ, – дейди туман бош имом хатиби Шоди хожи Ҳақбердиев. – Таклифимизни фаоллар маъқулладилар, тadbиркорлар қўллаб-қувватладилар, тегишли идоралар раҳбарлари ҳужжатларни расмийлаштиришда беминнат ёрдамларини аямадилар. 3-4 йиллик заҳматли саъй-ҳаракатлар, қийинчиликлар ортада қолди. Мана, қўриб турганингиздек, фақат Ургут халқи эмас, бутун ўзбекистонликлар фахрланса арзийдиган муҳташам кошона осмонга буй чўзаётди.

Айтиш жоизки, «Жамила жаҳон қурувчи» хусусий корхонаси директори, тажрибали меъмор Маматқул Холиқов лойиҳаси асосида яратилган мажмуани бунёд этишда замонавий меъморчиликнинг барча ютуқлари миллий анъаналар руҳига уйғунлаштирилган ҳолда чизилгани эътиборга сазовор. Бир йўла 8000 зиёратчини ўз бағрига сиғдирувчи намозгоҳ, таҳриятхона, турли маросимлар учун ажратилган хонақоҳлар жозибадорлиги, кўнглига сукунат бағишлаши билан ҳам ҳар қандай кишини ҳайратга солиши аниқ. Мерганча маҳалласининг

таъзимдамыз, ташаккур айтамыз, – дейди иш юритувчи муҳандис Карим Саломов. – Унинг бунёд этилиши жараёнида барча ургутликлар фаол қатнашдилар, десам муболага бўлмас. Сармоа киритиш, маблаг билан таъминлашда тadbиркорларимизнинг саҳийлиги-у, танглилигига қўйил қолмасдан илож йўқ. Усталар ҳам ўз меҳнатлари билан ҳақиқий санъат асарини, меъморчилик дурдонасини яратдилар, деб баралла гапириш мумкин.

Бино пойдеворини қўйишдан бошлаб, баландлиги 42 метрга яқин тўртта минора, 36 метрдаги иборат нишангумбазни тиклашга республиканинг катор малакали мутахассислари ўз маслаҳатлари билан иштирок этидилар. Гишт теришда қорақалпоқ, хоразмлик усталар катта жонбозлик кўрсатди. Гумбазни ўрнатиш масъулияти намангалар чекига тушди. Тошкентлик нодир касб соҳиблари ички қисмларини безатиш, пардозлашни маромига етказдилар. Қашқадарёлик бунёдкорлар бино деворининг ташқи томонига гранит ва травертин плиталари билан оро беришди. Кимдир қудратли техникаларни ишга солди, бошқаси зарур материал, жиҳозлар билан таъминлади, яна биров дастурхон ёзди. Хуллас, масжид кўпчиликнинг улкан хизмати, тажриба ва маҳорати туфайли кўркем, салобатли тусга кирганлигини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

– Кўпнинг дуоси – қўл, деганларидек, ярим миллиондан зиёд аҳолига эга Ургут халқи шундай улғу кошонага меҳнати сингган ҳар бир инсонни олқийлаб, дуога қўл очди, албатта. Ҳаммасининг ниёти ижобат топсин. Маънавиятимиз асоси бўлган боқий қадриятлар гуллаб-яшнаверсин. Узгача шуқуқ, улғуворликни мужассам этган табарруқ қадамжо асрлар оша элга хизмат қилиб, эзгу ниятлар манзилга айлансин.

Ҳамза ШУКУРОВ, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Ўзбекистон Республикасида қурилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича давлат корхонаси

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:
Батир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Козим Тулганов, Эркин Исқандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Мағрулов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Саҳифаловчи
Мусоҳиҳ

Дилшод Жалолов
Абдусами Ҳақбердиев
Акмал Махкамов
Райхон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қўрилиш вазирлиги,
«Узсаноатқурилишматериаллари» уюмаси,
«УзГАНШЛИТИ» ДУК, «УзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвеств» ИК МЧЖ,
«УзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай қўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (қўлиб), 71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbyunodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Наманган вилояти бўйича: 90-553-02-34.
Фарғона вилояти бўйича: 90-230-85-23, 90-163-63-82.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Бўйроти – Г-1153. 2114 нускада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва мдальифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Тўрон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Б. Гўлямов.

ЎзА яқини – 21.35.Топширилди – 22.30.